31 ИЮЛ 1990

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 28 июль Шанба. № 14[illegible] (13.577). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ТЎКИН-СОЧИН ДЕҲҚОН БОЗОРИ





...Кеча бозорга тушдик — Эски Жувага. Жумҳуриятимизнинг йироқ вилояти — Хоразмдан келган одамга бу улкан бозордаги тўкин-сочинлик, лиқ тўла пештахталар бамисли жаннат бўлиб туюлади. Кўзингизни ўйнатади. Ва, лекин дастлабки сабзавот-мева пештахтаси олдидаги деҳқондан нарх сўрабоқ, ўзингизни йўқотиб қўясиз. Ҳақиқий «кўз ўйноғи» энди бошланади...

...Пойтахт вилоятнинг шаҳарга ёндаш ноҳиясидан помидор, бодринг олиб келган деҳқон бува нархни ҳар иккала маҳсулотга тенг: килосига эллик тийиндан белгилаган. Ўзи белгиламаган — бозорда юриб турган нарх шу.

Бугунги нарх-наво: олма — бир сўм, шафтоли хилига қараб бир-икки сўм атрофида, узум — бир сўм, картошка — эллик тийин, сабзи — эллик тийин... Қовун-тарвуз ҳам шу атрофда.

Расталар оралаб, бозор ташқарисига — хўжаликлардан юк машиналарида келтирилиб, мева-сабзавот сотилаётган томонга юрамиз. Яна нарх билан қизиқамиз. Узум — бир сўм, картошка — қирқ тийин, помидор — йигирма беш... Арзонми? Деҳқонникидан арзон, аммо сифат масаласи чатоқ — помидорлар янчилган, картошка майда. Узум нархи бозордаги билан бир хил. Бозорда эса танлаш, юзтасини кўриб биттасини харид қилиш имкони, ҳуқуқи бор.

Яна орқага қайтамиз. Қимматроқ бўлсада деҳқондан харид қилган яхши.

— «Хозир— эрталаб қиммат бўлгани билан, тушдан кейин сотувчи ҳам олувчи ҳам кўпайиб кетгач, нарх ўз-ўзидан тушади, — дейди бозор мутасаддиларидан бири. Бу бозорнинг хусусияти — нархда мўътадиллик бўлмайди.

Жумҳурият раҳбарларининг шаҳар аҳолисини полиз, сабзавот, мева билан мунтазам таъмин қилиш борасидаги қароридан кейин аҳвол ўзгарди. Нарх бир баҳя тушди. Лекин, узоқ ноҳиялардан маҳсулотларни олиб келишнинг ўзи бўлмаяпти. Гоҳ вақтдан ютқазилиб, сифат қочяпти, гоҳ иш бошидаги ўртоқлар масъулиятсизлик кўрсатишмоқда.

...Эрта-индин сафаримиз қарийди. Улусга қайтамиз. Кексалар сиҳат-саломатликдан сўнг борган, кўрган элнинг бозори, нарх-навосидан сўрашади. Қадим одатимиз шу.

Айтамизки, Тошкент бозорларида тўкинлик, нарх-наво ҳозирча сал юқорироқ. Лекин, эрта-индин ўнгланади, дейишяпти. Ишондик.

Ишонганимиз боиси, деҳқон бозори бор экан, тўкинлик бор, эл тўқ. Қадри қочаётган пул эса қўлнинг кири...


Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Олой бозоридаги савдо-сотиқ авжида.

Е. БОТИРОВ суратлари.







ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

● **АНДИЖОН** педагогика институтида кириш имтиҳонлари ўтаётган бир пайтда, ўн саккиз йигит ва қиз Фарғона водийсидаги ана шу энг кекса олий ўқув юртининг талабалари бўлишди.

Бундай ҳуқуқ математика олимпиадалари ғолибларига берилган бўлиб, улар институт ўқитувчилари иштирок этган мактаб битирув имтиҳонлари якунларига кўра қабул қилиндилар.

Ҳунар-техника ва педагогика билим юртларини аъло баҳоларга тугаллаган ёшлар ҳам шу институтга имтиҳонларсиз суҳбат натижаларига кўра қабул қилинмоқдалар. Махсус педагогика синфлари бўлган вилоятдаги мактабларнинг аълочи-битирувчилари институтга кириш чоғида имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

● **ФАРҒОНА** ноҳиясидаги Ломоносов номли 26-мактаб ўқувчиларини янги ўқув йилида ажойиб совға кутяпти.

Бу ерда информатика синфи ташкил қилинди. Бунинг учун «Вариант» Совет — Булғория қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 11 та компьютер сотиб олинди.

Ноҳияда биринчи бўлиб, янги ўқув йилига тайёргарликни тугалладилар. Ёзги таътил даврида юқори синф ўқувчилари, ота-оналар ва мактабни оталиққа олган Ленин номли жамоа хўжалиги биргаликда синф хоналарини, парталар, доскалар ва бошқа мебелларни тез ва сифатли ремонт қилдилар.

Мактабда ўқитувчиларга ҳам ғамхўрлик қилинди. Улар учун телевизор, радио, магнитофон ўрнатилган дам олиш хонаси ташкил этилди.

«Бўлғуси талаба—90»

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

СамДУ қапқосида бир қизни кўрдим,
Етти ранг товланган қуёш каби пок.
Кошкийди ўттиз йил орқага қайтиб,
Ишқимни айтсайдим, қилиб ёқа чок.

ИЛҲОМИ жўш уриб кетган алloма шоир бу сатрларни бундан чорак аср муқаддам битган эди. Бугун нафақат СамДД, балки бошқа олий ўқув юртлари остонасида ҳам Ўзбекистон гўзалларини учратасиз. Лекин уларни бу ерга ўзларини кўз-кўз қилиш эмас, ўқишга кириш истаги бошлаб келган. Алпқомат йигитлар ҳам бугун шу ерда.

Бу гўшада ҳозир танишлар ҳам очилиб чақчақлашолмайди, отанинг ўғлига сўзи ўтмайди. Худди биров сеҳрлаб қўйгандек, ҳамма ўз юмуши билан банд. Югур-югур, чоп-чоп. Чунки...

Ичкарида, аллақайси хоналарда имтиҳон бораяпти. Бирида ёзма, бирида оғзаки. Титраб-қақшаб олган билетига бир қур кўз югуртириб бировнинг юзига қон югурса, бошқасиникидан қон қочаяпти. Имтиҳон деганлари шунақа бўлади: программа бўйича тушадиган саволларни сув қилиб ичиб юборгани ҳам, омадга ишониб қадам ранжида қилгани ҳам бир лаҳзалик бу ҳаяжонни бошдан кечирмай иложи йўқ.

ТОШКЕНТ давлат дорилфунунининг гуманитар фанлар бўйича масъул котиби, тарих фанлари номзоди, доцент **Хондамир Ғафурович ҒУЛОМОВ** билан ҳам йўл-йўлакай савол-жавоб қилиб олдик:

— Дорилфунун бу йил ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлайди. Ана шу воқеанинг ўзиёқ йигит-қизлар қалбида ТошДДда ўқиш иштиёқини жўш урдириб юборгани шубҳасиз.

— Ўрта маълумотли йигит-қиз борки, олий ўқув юртига кириб ўқисам дейди. Айниқса, ўзбек филологияси куллиётида ўқишни истаб келганлар кўпчиликни ташкил этади. 75 та ўринга минга яқин ҳужжат тушди. Энди ҳисоблаб кўринг, бир ўринга неча киши даъвогар эканини. Лекин шунга қарамай бу ўтган йилгидан жуда кўп, дейишга ҳеч бир асосим йўқ. Ўтган йилги даражада ёки бироз кўпроқ десам, тўғрироқ бўлади. Чамаси, бу кейинги йилларда тил ва адабиётга қизиқиш кучайганлиги билан изоҳланса керак.

Шунингдек, Шарқ куллиётига қабул қилинган ҳужжатлар ҳам ўтган йилгидан тахминан 200 та кўп. Аммо бу биз кутгандан оз. Бизнинг тасаввуримизда Шарқ куллиётида янги очилган «Халқаро иқтисодий алоқалар» бўлими ҳисобига абитуриентлар сони кескин кўпаядигандек эди. Бу бўлимга кирувчилар учун математикадан ҳам имтиҳон қўйилганлиги бироз чўчитган, шекилли. Аммо математикасиз қандай иқтисод бўлиши мумкин?

Ҳаммадан ҳам мени ажаблантиргани тарих куллиётига ўтган йилгига нисбатан сезиларли даражада кам ҳужжат топширилгани бўлди. Бизнинг ҳисобимизча, натижа аксинча бўлиши лозим эди. Қайта қуриш шабадаси билан миллий қадриятлар юзага қалқиб чиққан ҳозирги кунларда бундай сусткашликни нима билан изоҳлашни билмай қоларкансан киши.

Фан бўйича жумҳурият олимпиадаси ғолиблари эса, биласизки, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғига кўра имтиҳон топширишдан озод қилиниб, ўзлари ғолиб чиққан фан асос бўлгач куллиётлар талабалари бўлиш шарафига эришганликларини қайд этишим лозим. Бу, ўйлайманки бундан кейин ўқувчиларни янада фаолроқ бўлишга, яхшироқ ўқишга ва фақат мактаб программаси билан кифояланиб қолмай, мустақил равишда шуғулланишга рағбатлантиради, албатта.

— Ўрта мактабларда билим бериш, кўпгина эътирозларга сабаб бўлаётган ва уни битириб чиқаётган ўқувчиларнинг билим савияси тобора талабга жавоб бермаётган бир пайтда олий ўқув юрти имтиҳон комиссияси аъзолари учун абитуриент баҳосини белгилаш ҳам осон бўлмаса керак.

— Ҳа, абитуриентлар билимини аниқлашда аниқ мезон бўлмаса, қийин. Бошқа олий ўқув юртларидаги каби бизда ҳам шу хусусда махсус тавсияномалар ишлаб чиқилган. У қабул имтиҳонларида иштирок этаётган барча домлаларимизда бор. Мабодо бу мезон бузилса, абитуриент ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, бу ҳақда ўша имтиҳон натижаси эълон қилинган куннинг ўзидаёқ шикоятлар комиссиясига (балки уни адолат комиссияси деб аташ тўғрироқ бўлар) мурожаат этиши мумкин. Комиссия ким ҳақлигини аниқлаб беради. Қўйилган баҳо комиссия қарорига кўра ё ўзгартирилади, ёки асл ҳолича қолдирилади.

Мактаб программасини тўла ўзлаштирган йигит-қиз бундай муаммога дуч келмайди, албатта. Чунки ундан имтиҳон олаётган домла мактаб программасидан ташқари саволлар бериши мумкин эмаслигини яхши билади.

— Ҳозир мактаб маъмуриятига у ёки бу фанни ўзлаштиролмаган битирувчи ўқувчининг аттестатига баҳо ўрнига «шу фанни ўқиган» деган сўзларни ёзиб қўйишга рухсат берилган. Шундай аттестат билан ҳужжат топширган йигит қизлар ҳам бўлдими!

— Йўқ. Ҳужжатларни қабул қилиш билан шуғулланган ўртоқлардан ҳарқалай менга бундай маълумот тушмади.

— Сиз тарихчи олимсиз. Фактлар асосида мушоҳада қилишга одатлангансиз. Олий мактабда ўқишни истовчилар сони, сизнингча, нима учун йил сайин кўпайиб бораяпти!

— Бундан фақат қувониш керак. Биз кўпинча келажак авлод деб оғиз кўпиртириб гапирадиганимиз йигит-қизлар илм-фанга иштиёқманд бўлсалар, бунинг нимаси ёмон? Фақат, афсуски, билим оламан деб келган талабгорларнинг кўпчилиги талаба бўлиш учун етарли заминга эга эмасликлари кишини ўйлантириб қўяди. Менимча, олий ўқув юртига таваккал қилиб ҳужжат топшириш нотўғри. Аввало одам ўзига ишониши ва билимини ҳар қандай комиссия олдида исботлай олишига ўзида тўла ишонч ҳосил қилгандан кейингина, бутун масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳужжатларини олий мактабга топшириши лозим. Акс ҳолда, турли-туман тушунмовчиликлар келиб чиқади.

— Миш-мишлар ҳам...

— Э бусиз бўларканми? Ҳар йили бир гап чиқади. Шунинг учун ўқишга кира олмаган йигит-қизлар ишқилиб биздан норози бўлиб кетишмаса эди, деб орзу қиламан, ҳар доим. Ажаб эмас, бу йил шундай бўлса...

...ДОРИЛФУНУН ҳовлисига одам сиғмайди. Ҳамманинг кўзи эшикда. Ҳар ким шу эшикдан кириб кетган яқинини — биров қизини, биров ўғлини, яна биров акасини, биров эса синглисини интиқ бўлиб кутаётир. Қандай хабар билан чиқаркин?!...

Хаёлимда бундан икки ҳафта бурун худди шу эшикдан кираверишда кўрган манзарам гавдаланади. Фанлар бўйича имтиҳон саволлари ёзиб қўйилган кўчма тахта олдида уч киши. Чамаси 6-7 ёшлардаги бола стул суянчиғига бош қўйиб аллақачон пинакка кетган, иккинчи стул суянчиғига ёнбошлаб олган 17-18 ёшлардаги йигит тахтага ёзилган саволларни ҳижжалаб овоз чиқариб ўқир, бошқа бир стулда ўтирган, ёши элликлардан ўтиб қолган дўппили киши, ҳойнаҳой ҳалиги йигитнинг отаси бўлса керак, столга мукка тушганча қоғоз қоралардi.

Билмадим, ўша йигит ўтган имтиҳонлардан қандай баҳо олди экан? Аммо негадир унга омад тилагим келди. Жумҳуриятимизнинг қайси бир қишлоғидан яхши умидлар билан дорилфунунни сўроқлаб келган яна қанча йигит-қизлар ва уларнинг ҳамроҳлари—ота-оналари-ю, ёр-биродарларига ҳам, ишқилиб, омад кулиб боқсин. Бир оёғи уйида, бир оёғи дорилфунунда бўлиб қолган шаҳарликларга ҳам...

Зайниддин РИХСИЕВ.

АДИРЛАРДАН КАРВОН КЕЛАР...

Одамзотда шундай бир феъл бор. У ҳамиша янгиликка умид билан қарайди. Айниқса, раҳбарнинг ўзгаришига. Гўё ҳаётида нимадир ўзгарадигандек. Яхшилик томон. Ўша лаҳзадан рўзғорига бир илиқлик бош суққандек бўлади. Ўзича улбулни орзу қиладиям. Баъзида рўёбга ошиб, гоҳида саробга айланса-да, барибир умиди сўнмайди. Яна ва яна илтижоли кўз тикади. Балки эртанги кунни шу боис интиқиб кутарлар.

Мана бир далил. Яқинда Шаҳрисабз ноҳиясидаги «Москва» давлат хўжалигининг директори ўзгарди. Ҳозир ким билан суҳбатлашманг хўжаликка даҳлдорми, йўқми ёш етакчи Барат Ражабов ҳақида бир тўхталиб ўтади. Айримлари яхши кунлар кўпайиб, фуқаронинг кўкрагига шамол тегишини башорат ҳам қилади. Баъзи фикрлар эса қарама-қарши. Бир-бирини инкор этади. Гапнинг индаллоси янги директорнинг ҳар бир қадами «муҳокама»да. Иш юритишидан тортиб, муомаласигача.

Мотор шовқини адирларни тутган комбайнларнинг ҳайдовчиларига ҳамсуҳбат бўлгунга қадар хаёлимдан шу фикрлар ўтди. Машинасини тўхтатиб, увот четида дам олишга ўтирган комбайнчилар Нормурод Бердиалиев, Файзулла Шералиевлар билан суҳбатлашаман.

— Янги директор шарофатими хизматимизга ҳақ тўлаш усули ўзгарди. 13 июлдан то 5 августгача ўрилган ғалланинг гектарига 4 сўмдан тўланадиган бўлди. Шу муддатдан кечиксак сўмма пасайиб бораверади. 2 сўм, 1 сўм бўлиб. Ўримнинг чўзилгани зиёнда.

— Ҳақ тўлаш тартиби олдин бошқачамиди?

— Ҳа, 2,20 гектар майдон учун 5 сўм 18 тийиндан олардик. Декабрь ойигача ўрсанг ҳам бир хил нарх. Ким ҳам пинагини бузарди бунга. Ҳозир эса тонгдан ярим тунгача рулдамиз. Мавсумда озроқ даромад қилиб олмасак бўлмайди.

Сўнг ёш комбайнчиларнинг турмуши, яшаш шароитлари, рўзғор ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдик. Уларнинг иккови бир комбайнни бошқаришади. Навбати билан. Айтмоқчи, ихтиёрларида бульдозер ҳам бор. Сел олган йўлларни, бузуқ ерларни текислаб, техникага йўл очишади.

Далаларга боқаман. Пасту-баландлик. Ўнқир-чуқур. Бошоғини кўтаролмаган буғдой пояларининг қадди бук. Олтин далалар, олтин пайкаллар! Бошқа номла айтолмайсан. Комбайннинг бирови уч юз чақиримли дўнгликда ўрмаласа, бошқаси бесунақай чайқалганча нишоблайди. Нарироқдаги телешкага эса лиммо-лим темир этакдан эл-юрт, норасида гўдак, туғулажак авлоднинг насибаси тўкилаяпти. Шу топда ҳокисор табиатга, ёмғир, қор сувлари эвазигагина инсонларни боқаётган Она тупроққа саждалар қилгинг, кўзингга суртгинг келади. Рисқ, насиба, нон ортилган араваларнинг хирмонга ошиқишидан интиқасан киши.

Тоғ бағри тескакларидаги ғаллазорлар шунчалар гавжумки, ҳайрон қоласиз. Назаримда қишлоқлар ҳувуллаб қолгандай. Хонадонлар бўм-бўш. Қўлига ўроқ ушлашни билганларнинг бариси далада. Аҳолининг мол-ҳолига ҳашак етказиб бериш ниятида сўтихлар бўлиб берилган. Ўрилган ғарамларни эса комбайнлар майдалаб бераяпти. Биров техника ёрдамида, бошқаси от-эшакни қўшиб ихтиёридаги сомонни ташийди.

Хўжаликда жами 2300 гектар лалми экин майдони бор. У ерларда арпа, буғдой, нўхот, беда экилади. Бу йил етиштирилган буғдойдан умид катта. Масалан, 3-бўлим агрономи Тожинор Ғуломов ихтиёридаи 200 гектарли лалми ғаллазорнинг ҳар гектаридан 10 центнердан дон тушяпти. Лалми бедазордан эса икки марта ҳосил олинди. Хўжаликнинг отарларида тўпланган ем-ҳашаклар мўл. Биргина Н. Мелибоев ҳисобчилик қилаётган «Оқ мачит» фермасида сомоннинг ўзидан 60—70 тонна йиғилди. 100 бош қорамолга етади-да. Ҳамро Бегалиев мудирлик қилаётган «Кенкул» фермасида тўпланган хашак янада озуқали, мўл.

Эсдан кўтарила ёзибди. Хўжалик аслида боғдорчиликка ихтисослашган. Ҳақиқатан кунбакун боққа эътибор кучаяпти. Ҳозирча унинг майдони 200 гектардан ортиқ.

— Беш йилда бу миқдор 1000 гектар бўлиши керак, — дейди хўжаликнинг бош агрономи Булғор Мирзаев. — Аммо сувнинг танқислиги ишнинг белига тепаяпти. Қишлоқларимизни оралаб Танхоз дарёси оқади. Қанийди ундан фойдалана олсак.

Суҳбатга кекса ҳайдовчи Тўхтамуш Санаев қўшилди.

— Биз вилоят шўросига сайланган депутатимизга ана шу илтимосимизни айтувдик. У одам ноҳиямиз сув хўжалигида бошлиқ. Катта ваъда ҳам олганмиз. Умидимиз ҳамон ўша одамдан. Агар қувурлар ётқизилиб, адирларга сув чиқарилса борми — ҳаммаёқ бўстон бўлади. Сўнг бизга жаннатнинг кераги йўқ.

Маъқул фикр. Ростданам мевазор оғушидаги қирлар жаннатдек. Хўжамурод Шомуродов, Ҳомид Ғаниев етакчиликларидаги боғлар обод. Ҳозир эрта пишар олмалар яшикларга жойланиб, тайёрлов корхоналари, консерва заводларига элтилмоқда. Бу йил ҳар тугил қабул нархлари ошган. Олманинг килоси 35—40, олхўри 42—50 тийин.

Инсоф билан айтганда буям оз. Негаки Турғун Бегалиев парваришлаётган боғнинг эрта пишар олмалари бозорда камида 1,50 сўм. Инсофдан эмасда. Боз устига хўжалик ўз маҳсулотининг 30 фоизидан ортиғини бозорга чиқариб сотиши ман қилинган. Бу билан ҳамённи тиклаб бўладими?

Номозшом. Хўжалик партия ташкилотининг котиби Ихтиёр Рўзиевнинг хонаси. У ерда хўжаликнинг янги директори Барат Ражабов, бош муҳандис Қўйсин Бойқобилов, бош зоотехник Ҳиммат Холов ва бошқа етакчилар йиғилишган. Балки ўша ерда эл нидоси — идорани тийиб, адир ортидагилар — халққа кўпроқ ёрдам кўрсатиш ҳақида ҳам келишиб олингандир...

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз ноҳияси.

ЭНГ МУҲИМИ—ОДАМЛАРНИНГ ҲАЛОК БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК

СССР Президентининг «СССР қонунларида кўзда тутилмаган қуролли бўлинмалар тузишни тақиқлаш ва қурол-яроғлар қонунга хилоф равишда сақланган тақдирда уларни тортиб олиш тўғрисида»ги Фармони билан СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. ТАСС мухбири В. Гондусовнинг илтимосига биноан ички қўшинлар қўмондони генерал-полковник Ю. ШАТАЛИН ана шу вазифалар ҳақида сўзлаб берди:

— Президентнинг Фармонини биринчи навбатда уни бажариш учун масъулият юкланган давлат идоралари амалга оширишлари керак. Кўзда тутилган 15 кун муддат ўтгандан кейин Фармон қандай ижро этилганлиги тегишлича талаб қилиниши лозим.

Бу ҳақда нима учун гапиришга тўғри келаяпти? Шу йил 5 март куни СССР Олий Шўроси «Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдаги аҳвол ҳамда ушбу региондаги вазиятни нормаллаштириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унда жанговар гуруҳларни қуролсизлантириш, аҳоли қўлидаги қурол-яроғларни тортиб олиш, террорчилик ҳаракатлари, ур-йиқитлар, оммавий тартибсизликлар учун жавобгар бўлган экстремист ташкилотлар ва бирлашмаларни тарқатиб юборишни таъминлаш топширилган эди. Афсуски, бу қарорни бажариш учун кўп иш қилинмади. Бундай аҳвол такрорланмаслигини истар эдик.

Мисол учун, апрель ойида қўшинлар қўмондонлигига Арманистон ССРдаги қуролли бўлинмаларнинг структураси тўғрисида хабар қилинди. Бу реал куч эканлиги, у билан ҳисоблашишга тўғри келишини тушунар эдик. Уларни қуролсизлантириш ва тарқатиб юбориш юзасидан ғоят қатъий чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги масалани биз ғоят турли даражаларда ўртага қўйдик. Афсуски, бизнинг ташвишимизни тушуниб етишмади. Хуллас, Фармон маълум даражада кечикиб чиқарилди.

Ғайриқонуний қуролли тузилмалар раҳбарлари измига тушиб қолган норасмий бирлашмалар ва гуруҳлар бошлиқларидан жавобгарликни талаб қилиш муҳимдир. Буни фақат Арманистондагина қилмаслик керак. Биз бошқа жумҳуриятларда ҳам ғайриқонуний равишда сақланаётган қурол-яроғлар борлиги ҳақида маълумотларга эгамиз.

Биз СССР ва Иттифоқдош жумҳуриятлар халқ депутатларининг, жамоат ташкилотлари вакилларининг, оқсоқоллар, дин арбоблари ва зиёлиларнинг фаол мадад беришларига умид қиламиз. Улар тўпланиб қолган муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга, қўлида ғайриқонуний йўл билан олинган қуроллар бўлган кишиларни ақл-идрок билан ва масъулиятни ҳис этиб иш тутишга қатъийроқ даъват этишлари керак.

Ички қўшинлар учун Фармонни бажариш. — ўйламай-нетмай жанг бошлайдиган ҳол эмас. Бундай қилсак халқ ва айниқса, ўз фарзандлари тақдиридан ташвишланаётган оналар бизни тушунмайдилар. Шунинг учун ҳам биз қон тўкилишига, муҳолифликка, ошкора тўқнашувларга йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилишга тайёрмиз, шу сабабли биринчи навбатда қуролли бўлинмаларнинг раҳбарлари ақл-идрок билан иш тутишларига, вазиятга ҳушёрлик билан баҳо беришларига умид қиламиз.

Маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қуролли бўлинмалар қаерда жойлашганлигини, унга кимлар қўшилганлигини, улар яшириниши мумкин бўлган жойларни, қурол-яроғ ясайдиган ва сақлайдиган жойларни аниқлаш юзасидан олиб борадиган профилактика ишлари жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Ана шундай бўлинмаларни Фармоннинг талабларидан яхши хабардор қилиш, уларнинг раҳбарларига қуролли бўлинмаларни тарқатиб юбориш ва қурол-яроғларни 15 кун муддат ичида топшириш ҳақида аниқ талаблар юбориш режалаштирилмоқда.


Қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топширишдан бош тортилган тақдирда (шундай ҳам бўлиши мумкин), Фармонда кўзда тутилганидек, Совет Армияси бўлинмалари билан биргаликда ғайриқонуний тузилмаларни қуролсизлантириш юзасидан қатъий ва фаол ҳаракат қилиши учун ички қўшинларнинг кучи ва воситалари етарлидир. Бунинг учун маънавий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрган, тегишлича жиҳозланган, зарур жанговар техника ва қурол-яроғ билан таъминланган шахсий составдан фойдаланилади. Лекин такрор айтаман: муҳолифлик ва тўқнашувлар йўли — бизнинг йўлимиз эмас. Қуролли бўлинмалар сафларига қўшилган кишилар буни яхши англаб олишлари керак. Қон тўкилгани учун масъулият бутунлай уларнинг зиммасига тушади.


(ТАСС).

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби саҳифаси

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 5 (168)





БОҒЛАР ҚЎЙНИДА

Дилшода олмаларга суқланиб боқди. Сўнгра қуёш нурида ажиб товланаётган меваларни шоша-пиша тера бошлади. Бир зумда навбатдаги челак ҳам тўлди. Кейин дугонасига, сал нарида олматераётган Шаҳлога сўз қотди.

— Мен бир нарсадан хафаман, — деди у. — Қаранг, қандай боғларимиз бор. Афсуски, нотўғри юритилган иш услуби минглаб гектар боғларимиз умрига зомин бўлди. Менга қолса, жавобгар шахсларни жазолардим.


— Нимасини айтасиз, — деди Шаҳло. Кейин сал туриб гапида давом этди. — Сизни билмадиму, лекин менга Шредер номли давлат хўжалиги жуда ёқди. Олмалар шиғил-шиғил. Уларга қараб туриб завқинг келади.

Шу пайт улар даврасига яна бир қиз — Феруза қўшилди.

— Менга қолса, ажойиб халқимга ҳайкал қўярдим. Шундай боғлар барпо этиб қўйибди.

Қизлар суҳбати давом этди. Лекин иш ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Таътил давом этмоқда.





СУРАТЛАРДА: Қарши политехникумининг «Ёшлик» талабалар отряди (30 нафар) таътил кунларидан лавҳалар.

Сураткаш
Жўра БОБОРАҲМАТ.

ШУ СОНГА ТЕЛЕГРАММА

ТОШКЕНТ. ТАЛАБАЛАР ОТРЯДЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ ШТАБИ КОМАНДИРИГА.

9 август куни талабалар отрядлари марказий штаби «Юность» радиостанцияси билан ҳамкорликда «90-йил ёзи: ишлар ва муаммолар» ошкора студиясини эфирга тайёрламоқда. Талабалар отрядлари, уларга бўлган муносабатлар, муаммолар хусусидаги барча саволларни 5 августга қадар қуйидаги телефонларга маълум қилиш сўралади: 206-12-53, 206--11-76.

Талабалар отрядлари марказий штаби.

ДЕЛЮКИН.

ЧИНИҚИШ

Саратон. Жазирама иссиқ. Атроф ям-яшил. Қишлоқ хўжалик ўсимликлари: пахта, маккажўхори ва мевали дарахтлар барқ уриб ўсмоқда. Биз ушбу манзарани Жарқўрғон ноҳияси далаларида учратдик.

«Коммунизм» жамоа хўжалигининг «Зартепа» участкасидаги 9-бригада дала шийпонида 25 нафар юқори синф ўқувчилари ҳам ҳордиқ олиб, ҳам ишламоқдалар. Улар ноҳиянинг Шевченко, Мичурин, Завқий номли мактаб ўқувчиларидир. Эътиборга молик томони шундаки, ҳали ноҳияда, ҳатто вилоятда бундай «Меҳнат—роҳат» дам олиш лагери тузилгани йўқ. Ўқувчилар хўжалик меҳнаткашларига дағал-хашак тўплашда ёрдам бермоқда. Бригадага хўжалик комсомол қўмитасининг котиби Абдумажид Қурбонов етакчилик қилмоқда. Шартнома асосида 6 июндан 18 августга қадар ўқувчилар 300 тонна дағал хашак тўплаб беришлари керак. Айни кунлардаги кунлик кўрсаткич 7—8 тоннадан ошмоқда.

Ўқувчиларнинг кайфияти яхши. Ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат, янги мевалар, полиз маҳсулотлари билан таъминланиб турилибди. Радио, телевизор уларнинг хизматида. Кунлик рўзномаларни олиб туришади.

Бригада аъзоларидан Шавкат Тўқлиев, Зокир Абдураимов, Музаффар Тоталмуродов, Зиёдулла Абдуллаевлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Бу 25 нафар ўқувчи август ойининг охирларида хўжалик ҳисобидан бепул йўлланма билан Киев шаҳрига отланишади.

М. МАВЛОНОВ.
Сурхондарё вилояти.

БУЛҒОРИЯГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Тошкент Давлат дорилфунуни талабалари Климент Охритский номидаги Булғория дорилфунуни ёшлари билан шартномага мувофиқ Булғория диёрига жўнаб кетишди.

Ўзбекистонлик талабалар ёзги меҳнат семестри давомида Булғория деҳқонлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-териб олишда кўмаклашадилар. Шу билан бирга уларнинг маданияти, урф-одати, гўзал тарихий обидалари билан танишадилар. Ёшлар орасида дорилфунун маданият саройи қошида ташкил этилган «Ўзбекистон қизлари» дастасининг раққосалари ҳам бор. Улар ўзбек халқининг миллий рақс санъатини булғорияликларга намойиш этишади. Ёшларга ойлик маош белгиланади ва бошқа маданий, маиший шароитлар яратилади.

Август ойида эса навбатдаги гуруҳ Булғорияга йўл олади.

Р. КАМОЛОВ.
(ЎзТАГ).

Ҳашарчи ёшлар

Қувасой шаҳридаги 18-ўрта мактабнинг 28 нафар юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган мадад бригадаси «Социализм» давлат хўжалиги далаларида шартнома асосида меҳнат қилмоқдалар. Қалби олов ёшлардан иборат ҳашарчилар хўжалик ишчиларига етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларини исроф қилмай териб олишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Уларнинг кунлик нормалари ишчиларникига нисбатан 20 фоизга камайтирилган. Ҳар 10 кунда ўз меҳнатларига яраша ҳақ олишяпти.

Ҳашарчи ёшлар бригадасининг Ўлмас Мадисоқова, Меҳригиё Салайдинова, Носир Тошпўлатов, Ҳавохон Маҳмудова, Рухсора Ҳамдамова сингари серғайрат аъзолари нормаларини доимо ошиғи билан бажариб, тенгдошларига ўрнак бўлишмоқда. Тушлик пайтида 2-бригаданинг дала шийпонида ошпаз Маҳмуджон Мирзомиддинов томонидан улар учун мазали таомлар тайёрланмоқда.

Шартномада кўрсатилишича август ойида бу ўқувчилар Ватанимиз шаҳарларидан бирига саёҳатга юборилади. Бу эса уларни янада унумли ишлашга даъват этмоқда.

У. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти.

Хизмат сафари ҳисоботидан олинган сатрлар

МУНОСАБАТ

Бухоро вилоятидаги хўжаликлар талабаларнинг меҳнат таътилини менсимай қўйишди. Акс ҳолда, улар ёзги таътилга тайёргарлик кўришган бўлишарди. Бу ерда хўжаликлар биронта қишлоқ хўжалик отрядларини ҳам бекаму кўст кутиб ололмадилар.

Бухородаги Фрунзе номли давлат хўжалиги директори ўринбосари Х. Иноятовга бекорга жарима солингани йўқ. Ҳаммасига унинг масъулиятсизлиги сабаб бўлди. Ахир талабалар отрядлари билан шартнома имзоланганида бундай кўнгилсизликни содир этмасликни зиммаларига олишган эдику. Қаерда сўз ва иш бирлиги бўлмас экан, ютуқлар ҳақида ўйламаса ҳам бўлади.

Бу борада «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалиги ҳам мақтанолмайди. Вилоят талабалар штаби ҳамда санитария-эпидемиология станциясининг бир неча бор таъкидлашларига қарамасдан, аҳвол ўзгармай қолаверди: отрядларда сув таъминоти йўлга қўйилмаган, гўшт меъёрида етказиб турилмайди, ювиниш хоналари жиҳозланмаган, тозаликка риоя этиш хоналари йўқ...

Талабаларимизга тан беришимиз керак. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, пайкалларда тер тўкишяпти. Бухоро педагогика билим юртининг «Ласточка» талабалар отряди меҳнатидан барча мамнун. Айниқса, билим юртининг Тўхтагул Жамилова, Махсуда Сафарова, Ойсултон Ҳасанова, Зулфия Авлиёқулова, Гулшод Расулова каби талабалари кунлик режаларини ортиғи билан адо этишмоқда. Мева йиғиштиришда уларга бас келадигани топилмаяпти.

Навоий тоғ металлургия комбинатига қарашли «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигида ишлар кўнгилдагидек эмас. Хўжаликда Навоий тиббиёт билим юртининг «Медик» талабалар отряди фаолият кўрсатмоқда. Улар 70 нафар. Мева йиғиштириш уларнинг зиммасида. Аммо иш ўз йўлигаю, бироқ талабаларнинг яшаш шароити билан мақтаниш мушкул. Бу ерда ювиниш муаммо. Тиббиёт бурчаклари ҳам талаб даражасида эмас. Хатолар тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Лекин у амалий ишга фойда берармикин, шуниси муҳим.

Навоий ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги талабалар отрядлари билан ишлашда ибратли тажрибага эга. Мазкур хўжаликка ташаббускор, изланувчан, ўз ишининг устаси Ойтош Гулинова раҳбарлик қилмоқда. Ойтош опа олиб бораётган ишларни кўриб, кўзингиз қувонади. «Қанийди жумҳуриятимиздаги барча хўжаликлар ҳам талабалар отрядларига шундай муносабатда бўлишса», дейсан беихтиёр. Хўжалик ҳудудида Навоий педагогика билим юртининг «Ёш куч» талабалар отряди баҳоли қудрат меҳнат қилмоқда. Отрядда 86 киши. Улар хўжалик ҳисобидан 4 маҳал овқатланишади. Яшаш жойлари ҳам бинойидек. Хоналарда кондиционер ишлаб турганлигини айтсак, балким ишонмассиз. Қани айтинг, шундай шароит яратилгандан кейин ҳам яхши ишламай бўладими?

Ёзги таътилдан Бухоро автомобиль йўллари техникуми талабаларининг ҳам омадлари чопган. Улар — 30 нафар. «Зафар» талабалар отряди сафида бирлашишган. Навоий қурилиш бошқармаси отряд аъзолари учун барча шарт-шароитларни муҳайё этди. Бошқармадагиларга бу борада ўргатиб бўлмайди. Отряд аъзолари бошқарма тасарруфидаги «Монтажник» ётоқхонасида истиқомат қилишмоқда. Хоналарда 2 кишидан яшашяпти. Тоза, озода. Шинамгина.

Ёзги таътил давом этмоқда. Биров яхши ишлаяпти, яна биров унчаликмас. Хўжаликлар эса иш кўламига етарли даражада таъсир ўтказишлари мумкин. «Истаган имконият қидиради», дейишади. Мабодо, улар иш ривожини исташар экан, демак, имконият топишга қодирлар. Бироқ акси ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлгандаям, талабага бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш шарт. Бор-йўғи шу.

А. КОСТИН,
Талабалар отрядлари жумҳурият штаби командири муовини.

ТУТАШ НУҚТАЛАРНИ ИЗЛАБ

Дунё бўйлаб тинчлик миссияси билан сафарга чиққан Америкадаги «Кўнгиллилар тинчлик учун» ташкилоти вакиллари кўҳна Самарқанд заминига эрта тонгда қадам ранжида қилдилар. Қабул маросими, меҳмонхонага жойлашиш билан боғлиқ зиддиятлар тугаб, бир фурсатли дам олишдан сўнг Самарқанд вилоят фирқа қўмитаси залида ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, вилоят комсомол қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари Қўмитаси ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Дўстона суҳбатда вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби Беҳзод Зокиров вилоят ёшларининг ҳаёти, қизиқишлари, амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

— Биз ким бўлишимиздан қатъи назар инсонлармиз ва она замин ҳаммамизнинг бирдек уйимиз,—дейди ўз сўзининг якунида у. — Шунинг учун биз орамизда фарқлар эмас, балки ҳаммамизни бирлаштирувчи туташ нуқталарни излашимиз лозим. Дўстлик, севги, гўзалликка интилиш туйғуси ер юзидаги ҳамма инсонларга хос шундай нуқталардир. Шунингдек, тинчликни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ўрнатиш ҳам умумий муаммоларимиздир. Ҳозирги учрашувимиз ана шуларни биргалашиб ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Кейин АҚШ делегацияси раҳбари Питер Колдуэлл сўз олиб ўз навбатида «Кўнгиллилар тинчлик учун» ташкилотининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

—Биз дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан алоқадамиз. Энди Ўзбекистон билан ҳам дўстлик муносабати ўрнатганимиз ғоятда қувончлидир. Элингизга сафаримиздан мақсад қайси масалаларда амалий ҳамкорлик қилишимиз мумкинлигини ўрганишдан иборат. Ўйлайманки, бу сўнгги учрашув бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб самимий қабулингиз, меҳмондўстлигингиз учун ҳаммамизнинг номимиздан раҳмат айтаман.

Кейин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Меҳмонларга совғалар топширилди. Учрашув сўнгида вилоят тинчликни сақлаш қўмитасининг раиси Ҳазрат Сатторов сўз олиб ташкилоти ҳақида гапириб берди.

Кечқурун меҳмонлар шаҳардаги «Камилла» қаҳвахонасига ташриф буюриб «Эсперанто» клуби тайёрлаган фильмни томоша қилдилар.

Меҳмонлар «Самарқанд» меҳмонхонасига қайтишганида ярим тун бўлиб қолаёзганди. Эртага улар Афросиёбда археологик қазиш ишларида қатнашишади, шаҳар ёшлари билан суҳбатлашадилар ва Ургутдаги кашшофлар оромгоҳини бориб кўрадилар.

Фурқат НЕЪМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

Хорижлан хабарлар

ЯРУЗЕЛЬСКИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАРШАВА. (ТАСС мухбири Валентин Волков). Ҳозирги вақтда Польша учун мамлакатни тангликдан олиб чиқиш, хусусийлаштириш жараёнининг самарадорлиги, давлат иқтисодий андозасининг вужудга келтирилиши сингари иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши алоҳида муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлади Польша жумҳуриятининг президенти В. Ярузельский. У Тарнува воеводалигига бориб, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашиб, уларнинг меҳнати ва муаммолари билан танишаётган чоғида журналистлар билан суҳбатлашди. Польшанинг янги конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас.

Тарнува шаҳар бошқармасида касаба уюшмалари воевода битими делегацияси билан учрашган президент қуйидагиларни таъкидлади: касаба уюшмаларининг турли ташкилий тузилмалардаги фаолияти Польша меҳнаткашлари манфаатларини ифодалайдиганлар борлигидан далолат бермоқда. Жамоатчилик умидларини мавжуд воқеликлар билан уйғунлаштириш зарурлигига эътиборни қаратиш керак, холос. Касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам давлат манфаатларини ҳамда унинг иқтисодий сиёсати мақсадларини ҳимоя қилишда ҳам ўз самарадорлигини кўрсатиши лозим, деди у.

В. Ярузельский иккинчи жаҳон уруши бошланишида ҳалок бўлган поляк аскарлари ёдгорлигига ва совет жангчиларининг ёдгорлик мақбарасига гуллар қўйди.



СОФИЯ. Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия, Югославия, Руминия, Булғория мамлакатларидан келган 43 гўзал «Шарқий Европа — дорилфунун гўзали» унвони учун беллашувда иштирок этишди. Маданият саройининг катта залида қизлар кўрикнинг кўпгина шартларини бажаришди. Булардан энг муҳими иқтидор синовидан ўтиш бўлди.

СУРАТДА: «Шарқий Европа — дорилфунун гўзали» Жанетта Катковска.

БТА—ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОҚ АКУЛА ҲУЖУМИ

● ЖАНУБИЙ африкалик 21 ёшли Моника Прайс оқ акуланинг қурбони бўлди. Бу бахтсизлик Кейптаундан 120 километр шарқда жойлашган Моссельбай портида (Капск вилояти) юз берди. М. Прайс ва унинг икки дугонаси ҳамда куёв бола қирғоқдан 500 метр нарида чўмилишаётган пайтда баҳайбат акула ҳужум қилди. Ҳаммаси жон ҳолатда яқин орадаги кемага тирмашиб қочиб чиқишди. Лекин Моника чап сонининг ярми йўқлигини палубага чиққандагина сезди (Моника кемага тирмашганда сонининг ярмини акула ўткир тишлари билан узиб олганди). Бироқ шу заҳоти ҳушидан кетди ва... Кўп қон йўқотганлиги учун икки соат ўтгач касалхонада жон берди.

АФСОНАВИЙ МАХЛУҚ ҚИДИРИЛМОҚДА

● АЙТИШЛАРИЧА, Канаданинг Оканаган кўлида гўё Огопого деб аталувчи афсонавий махлуқ яшаётганмиш. Токиодаги Эн-ти-ви хусусий телекомпанияси худди шу махлуқни қидиришга киришди ва бу иш учун гидролокаторлар билан жиҳозланган учта кемани, шунингдек, бир вертолётни ижарага олган. Узунлиги 130 километрга етадиган, чуқурлиги 300 метр бўлган кўлни текширишда ёрдам учун маҳаллий ғоввослардан 5 кишини жалб этган.

Қидирув аъзолари Огопогони топишга ишонишмоқда. Ўтган ҳафтанинг ўзида соҳилга яқин Келоун шаҳарчасида яшовчи 3 киши махлуқни кўрган. Уларнинг айтишича, бу махлуқ илонга ўхшаш бўлиб, узунлиги 15 метрча. Ҳаракати тўлқинни эслатади.

Собиқ йўл кўрсатувчи (кемаларга) Ричард Клайн ва унинг рафиқаси Энн ҳам бу махлуқни соҳилдан туриб кўришган. Унинг 3 та ўркачи бўлган.

270 КИЛОМЕТР ТЕЗЛИК БИЛАН

● ТОКИОДАН Осакагача қатновчи янги тезюрар поездини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу поезд соатига 270 километр тезликда юра олади. Демак, икки шаҳар ўртасидаги 600 километрлик масофани 2 ярим соатда босиб ўтади. «Жей-Ар Токай» компанияси вакилининг айтишича, синов шу йил кузда якунланади. Бироқ поезд қатнови 1992 йилдан бошланади. Чунки поезд синовдан кейин янада такомиллаштирилиши лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, компания мутахассислари 1992 йилгача тезюрар поезднинг яна икки моделини ишлаб чиқишмоқчи. Улар соатига 320—350 километр йўл босиши мумкин.

Токио билан Осакага қатновчи ҳозирги тезюрар поездларнинг тезлиги эса соатига 220 километрни ташкил этади, холос.

ДЕНГИЗ ҲУДУДЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

Совет халқи 29 июлда Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини нишонлайди. Ҳарбий Кенгаш аъзоси — Ҳарбий-Денгиз Флоти Сиёсий бошқармасининг бошлиғи адмирал В. И. ПАНИН ТАСС мухбири М. Захарчукка ҳарбий денгизчилар ўз касб байрамларини қандай кутиб олаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

— Василий Иванович, яқиндагина ўз ишини тугатган партия съезди сизнинг бу галги касб-кор байрамингизга ҳам таъсир қилади, деб ўйлайман. Бу йил ушбу байрамга ёндашув уч-тўрт йил аввалгидек бўлмаса керак, шундай эмасми?

— Байрам байрам-да. Ҳар бир байрамнинг ўзига хос жилоси, ўз хусусияти бўлиши табиий. Афсуски, кейинги йилларда ёрқин кунлардан қувонч ҳиссини анча йўқота бошладик. Бир вақтлар байрамлар муваффақиятлар тўғрисида дабдабали ҳисоботлар ва рапортлардан иборат бўларди. Энди эса бошқа томонга оғиб кетдик.

Флот куни, касб-кор байрамимизга келганда эса ҳарбий денгизчилар уни ҳар доимдагидек ўз халқи, ватанига содиқ хизмат қилиш билан кутиб олишмоқда.

Ҳа, мен КПСС XXVIII съездининг делегати бўлдим, съезд жамиятимизга, ўз-ўзидан маълумки, унинг Қуролли Кучларига йўллаган энг асосий даракларнинг бири шундаким, биз қандай нуқтаи назарларга эга бўлишимиздан қатъи назар, амалий ишларда куч-ғайратларимизни бирлаштиришимиз даркор.

Съезднинг, менинг назаримда ҳис-ҳаяжонлар энг юқори чўққига кўтарилган, баъзи делегатлар эса вазиятни қизғинлаштиришни давом эттираётган айрим кунларида кимлардир давлат кемамизни эҳтирослар қайнаб тошган денгизнинг саёз жойига ўтказишни, ҳар қандай тўсиқлар ва девор тешикларини очиб юбориб, капитанни эса ўрнидан олиб ташлашни жуда-жуда хоҳлаётганини тушунибгина қолмай, бутун вужудим билан ҳис этдим.

— Ҳозир СССР Қуролли Кучларини ислоҳ қилишга доир асосий фикрлар ҳамда муаммолар шаклланган. Ҳарбий-Денгиз Флотида ушбу ислоҳот доирасида рўй бераётган ёки рўй берадиган ўзгаришлар тўғрисида нима дея оласиз!

— Бу ўзгаришлар кейинги вақтда мамлакатимиз ва Қуролли Кучларимизда жамоатчилик фикри марказида бўлган флотимизнинг ҳаётий муҳим муаммоларига тегишлидир. Бу мамлакатимиз мудофаа қобилиятини ишончли ва оқилона даражада сақлаб туриш билан боғлиқ ва, албатта, хизматдан қониқмаслик ҳиссини уйғотувчи ижтимоий муаммолардир.

Мамлакат мудофааси бу — умумдавлат юмуши бўлиб, шу муносабат билан Қуролли Кучларнинг ўзида ҳам, моҳиятан халқ хўжалиги мажмуининг барча соҳаларида ҳам ислоҳот туфайли чуқур ўзгаришлар рўй бераётгани тушунарли бўлиши керак. Бунда шошма-шошарликка ва уқувсизлик билан ёндашувга йўл қўйиш мумкин эмас.

Агар флотдаги ишлар хусусида аниқ гапирадиган бўлсак, ҳозир рўй бераётган ўзгаришлар унда ишлайдиган кишиларнинг ташкилий тузилмаларини, қурол-яроғ ва техниканинг ҳам миқдор, ҳам сифат таркибини, ҳарбий денгизчиларнинг бутун ташкилоти ва хизмат муддатларини, шубҳасиз, ижтимоий соҳани ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади. Масалан, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этиш учун ҳозир капитал қурилишга ажратилаётган барча маблағларнинг ярмига яқини берилади. Афсуски, ана шу барча масалаларда биз денгиздаги кучлар нисбати ва Қўшма Штатлар билан ҳарбий-денгиз кучларининг истиқболдаги аҳдлашуви тақозо этадиган муайян шароитларга асосланишга мажбурмиз.

— Василий Иванович, шундай савол берсам ўринли бўлади, деб ўйлайман: ҳозир Ҳарбий-Денгиз Флоти қуввати, техникавий жиҳозланиш жиҳатидан қандай! Унинг ривожланиш истиқболларичи!

— Ҳозирги флот ниҳоятда мураккаб вужуд эканлигини, унда замонавий фан ва техниканинг энг илғор ютуқлари ўз аксини топганлигини ҳатто кўп нарсадан бехабар бўлган кишиларга ҳам исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Замонавий флотга зарур мутаносибликда аслида қўшинларнинг барча турлари киради. Табиийки, флотнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Флот таркибида стратегик ва кўп мақсадга мўлжалланган атом сув ости кемалари, турли хил йўналишдаги кемалар бор.

Яқиндагина янги авлод кемалари Ҳарбий-Денгиз Флоти сув усти кучларининг таркибига кирди ва улар муваффақият билан ўзлаштирилмоқда. Булар авиация ташувчи «Киев», «Новороссийск», «Тбилиси» крейсерлари, «Киров» хилидаги ракета крейсерлари, кемаларга қарши ишлатиладиган замонавий кемалар, эскадрилья миноносецлари ва бошқа энг замонавий кемалардир. Мудофаа доктринаси ва унинг қўлланиш тажрибасини ҳисобга олиб, денгиз операцияларини ўтказиш ҳамда денгиздаги жанговар ҳаракатларга баъзи анъанавий нуқтаи назарлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Шундай бўлса-да, бизнинг флотимиз қудрати қандай замонавий ва қудратли техника билан жиҳозланган бўлмасин, бизнинг куч-қудратимиз энг аввало одамларда, ажойиб матрослар, старшиналар, мичманлар, прапорщиклар, офицерлар ва адмиралларимизда эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Масалан, Ғарбда ҳали-ҳалигача баъзи одамлар хорижий портларга ташриф буюрадиган экипажларни махсус танланади ва жамланади, деб ҳисоблайдилар, бунга балки ишонмассиз. Айни вақтда ҳатто ўша турғунлик авжига чиққан пайтида ҳам биз бундай қилмаганмиз. Бинобарин, одамлар билан ишлашда муаммолар анча кўпайганлигини айтмаслик ҳам мумкин эмас. Бундай муаммолар ҳақида ҳозир кўп гапирилди.

— Ватандошларимизнинг кўпчилиги Қуролли Кучларни, жумладан, Ҳарбий-Денгиз Флотини қисқартириш борасида бир томонлама қарорга келганлигимиз хусусида жиддий ташвиш билдираётганлигига сиз шахсан қандай қарайсиз!

— Бундай хавфсирашларни асоссиз, деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки, масалан, Шимолий Атлантика уюшмаси Варшава Шартномаси мамлакатларидан сув ости кемалари бўйича уч марта, тайёралар бўйича икки мартадан кўпроқ, жанговар кемаларнинг умумий тонна жиҳатидан ҳам икки баравар устун туради, авиация ташийдиган ва десант кемалари бўйича бир неча марта ортиқдамиз.

— Сиз келтирган рақамларни шубҳа остига олишга қўймоқчи эмасман, лекин бундан аввал бир неча марта таъкидланганидек, икки буюк давлатнинг ҳарбий қудратини аниқлашда соф математик ёндашув ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди. Биз янги мудофаа доктринамизга асосланар эканмиз, уруш хавфи ҳозирча сақланиб қолаётганини ҳам унутмаймиз.

— Биз денгиз ва океанлар халқлар ҳамда мамлакатларни ажратмаслиги, балки уларни бирлаштиришига доимо асосланиб келдик. Шу боисдан қандай вазифани бажаришларидан қатъи назар, ҳарбий кемаларимиз ҳамма вақт яхши ният элчилари бўлиб келишди.

— Агар ўз суҳбатимизда сув ости кемаларида рўй бераётган авариялар хусусида гаплашмасак муштарийлар бизни тушунмасликлари мумкин, ваҳоланки, бундай воқеалар ҳалигача кўп одамларнинг хотирасида сақланиб қолган...

— Сиз ушбу фожиа кўпгина кишиларнинг хотирасида ҳали ҳам сақланиб турибди, дедингиз, бизнинг қалбларимизда эса унинг яралари бор. Бундай фожиаларни эслаш биз учун ҳеч қачон бунга йўл қўймасликни, аниқроғи, бундай воқеаларни истисно этишни билдиради. Ҳозир ҳукумат комиссиясининг хулосалари ва баҳоларига асосланиб, Кемасозлик саноати вазирлиги мутахассислари ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флоти шахсий составининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан бу вазифани ҳал этяпмиз.

— Василий Иванович, суҳбатимизни, келинг, ғамгин руҳда тугатмайлик, чунки совет халқининг севимли Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳар қандай ҳолда ва ҳамма вақт энг юксак баҳога муносибдир. У Ватанимизнинг фахри бўлган ва шундайлигича қолади. Сизни, барча ҳарбий денгизчиларни байрам билан табриклашга, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, Ватанимиз денгизчилари зиммасига юкланган оғир вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз.

— Ташаккур. Мен ҳам ўз навбатида флотимизни севадиган ва қадрлайдиган барча кишиларга сиҳат-саломатлик, тинчлик ва бахт-саодат тилашни хоҳлардим.

(ТАСС).

МУСТАҚИЛ БЎЛСАК, ЁМОНМИ?

Балки бизнинг мактубимизни ўқиб ажабланарсиз: «Аскарларнинг қиладиган ишлари йўқмикан. Тинчгина хизмат қилиб юравериша бўлмайдими?» деб. Йўқ, гарчи олис Германия тупроғида йигитлик бурчимизни ўтаётган бўлсак-да, ўз миллатимиз тақдири, элимизнинг эртанги куни қандай бўлиши бизни ҳам ўйлантираяпти, ташвишга солаяпти.

Аскарликнинг нонини тотиб кўрганлар билади. Дам олиш кунлари зобитлар ҳузуримизда сиёсий маърузалар ўқийдилар. Ҳар хил мавзуларда суҳбатлар уюштирамиз. Баъзан қаттиқ тортишувлар ҳам бўлиб туради. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай «сиёсий кун»ларнинг бирида зобитлардан бири ўзбеклар ҳақида гапириб қолди. Нима эмиш, «Ўзбеклар ҳам болтиқбўйиликларга ўхшаб СССРдан чиқиб кетиш ниятида мустақиллик эълон қилди. Бу сизлар учун яхшилик келтирмайди. Жумҳуриятларингиз ўзини-ўзи боқа олиши жуда қийин», деб қолса бўладими. Шунда мен ҳам бўш келмадим. «Мана Россия, Украина ва бошқа қатор жумҳуриятлар ҳам ўз мустақилликларини эълон қилди-ку? Энди улар ўзларини қандай боқа олади. Биласизми, агар Ўзбекистонни ўзига қўйиб берсалар, бугун заҳмат чекиб, минг азобда рўзғор тебратаётган бу жафокаш халқ қандай фаровон яшашни билади. Унга эркинлик берилсин. Бу ҳали қоғозда». Менинг гапларим унга ғалати туюлди. Армияда бундай гап-сўзлар жуда кўп бўлиб туради. Мен билан бирга хизмат қилаётган юртдошларимнинг кўпчилиги ҳали мустақиллик одамларга, қолаверса халқимизга нималар беришини яхши билмайдилар. Бизнинг энг севиб ўқийдиган газетамиз «Ёш ленинчи». Унда босилган миллий иқтисодиёт муаммоларига бағишланган қатор мақолаларни жуда қизиқиб ўқидик. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда муаммолар беҳисоб. Юртимизда саводли, миллатимиз шаъни, тақдири учун курашаётганлар сафи кенгаяётгани бизларни ҳам қувонтираяпти. Ахир биз қаерга борсак, мақтанамиз-ку: «Халқимизнинг минг йиллик бой тарихи, маданияти бор» деб. Қани ҳаммага кимлигимизни бир кўрсатайлик. Орқаворотдан халқимиз шаънига бўлар-бўлмас гапларни тарқатаётганлар лол қолишсин. Бизда эълон қилинган мустақиллик декларацияси фақат қоғозда қолиб кетмаса бўлди...

Салом билан:

Бир гуруҳ ўзбек аскарлари номидан:

Бурхон ХЎЖАНИЁЗОВ,
Дала почтаси. «Н» қисм.




Камолиддин асли Самарқанд вилоятидан. Оддий оилада тарбияланган. Мактабни тугатгач, ҳунар-техника билим юртида таҳсил кўриб, сўнгра армия сафига чақирилган. Мана ҳаш-паш дегунча орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Кечагина Камолиддин хизмат қилаётган ҳарбий қисмдан рўзномамизга миннатдорчилик сўзлари битилган мактуб келди. Уни бизга мичман А. Каллимулин ҳамда оддий матрос М. Аҳмадшоевлар йўллашибди. «Ўзбек йигитлари ҳам анойи эмас. Уларни жисмоний жиҳатдан ожиз, носоғлом деб шов-шув кўтариб ётганларнинг ярим гапига ҳам ишонмаймиз.

Мана қисмимизда Камолиддинга ўхшаган фидойи аскарлар жуда кўп. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Рўзномангиз орқали уни тарбиялаб вояга етказган ота-онасига, меҳрибонларига бутун қисмимиз жамоаси номидан чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этсангизлар» дея улар Камолиддиннинг суратини ҳам юборишибди.

СУРАТДА: шимолий флот қисмларидан бирида ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаётган катта матрос Камолиддин Дўстбоев.

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ



Денгиз пиёда қўшинларида хизмат қилиш осонмас. Фуқароликнинг эркин нафасини туйиб юрган йигитлар бундай қисмларга тушиб қолса, дастлаб анча қийналади. Оғир, лекин чидаш керак. Кучли ирода, жисмоний жиҳатдан тетиклик зарур. Уч йил аскарлик нонини ейишнинг ўзи бўлмайди-да. Қуруқликдаги қўшинлар ҳарна бўлса-да, сал эркинроқ. Денгизда бўлса тўрт томоннинг сув, осмон. Гоҳо «душман»ларга қарши жанговар позицияда туришга тўғри келади.

СУРАТДА: жанговар техникалар десантчилар ҳарбий кемасига чиқариляпти. Яна сафарга.

Ю. ИЛЬЕНКО сурати. (ТАСС).

ЖАНГЧИ ЙИГИТ НОМИ БЕРИЛДИ

Биз доим ўтмишда йўл қўйилган хатоларни рўкач қиламиз. Кимларнидир айблаймиз, қоралаймиз. Лекин уларни энди тузатиб бўлмаслигини ҳам биламиз. Ўн йил давом этган афғон уруши эса бошқа хатоларимиздан тамоман фарқ қилади. Бу мудҳиш талотумда шаҳид кетганларни рости, энди қай сўз билан аташга тилимиз бормаяпти. Очиғи, энди «байналмилалчи» дейиш ҳам эриш туюлади. Йўқ, кимларнингдир эмас, балки мана шу жамиятимизнинг мудҳиш хатолари туфайли қурбон бўлган йигитларимиз хотираси ҳаққи-ҳурмати энди ҳақиқатни ошкор айтайлик. Яхшиси, уларнинг муборак хотирасини эъзозлайлик, табаррук номларини ҳар куни нигоҳимиз тушиб тургувчи жойларга қўяйлик...

Яқинда Ғузор ноҳиясида ана шундай савоб ишлардан бирига қўл урилди. Охунбобоев номидаги давлат хўжалигининг Ярғунчи қишлоғида туғилиб ўсган, афғон урушида ҳалок бўлган Муҳиддин Йўлдошев номи ўзи ўқиган мактабга берилди. Қишлоқ аҳлининг ҳақли талаб-истаклари ноҳия ижроия қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланди. Мактабнинг аввалги номи «Зарбдор» деб аталарди. Энди эса...

Ҳа, жумҳуриятимизда бундай хайрли қадамлар амалга оширилаётгани ҳақида аҳён-аҳёнда эшитиб қоламиз. Бу ҳали кам. Афғонистонда бизнинг озмунча жигарбандларимиз шаҳид бўлмади. Уларнинг хотираси олдида ҳали биз тирикларнинг қарзимиз беҳисоб...

Йўлдош МАЛЛАЕВ.
Қашқадарё вилояти.

Хотира

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...



Одамзот умрини бежиз дарахтга қиёсламайдилар. Бу ўхшатишда жуда катта маъно яширин. Қурбон ака Ўлжабоев ҳақида гап кетса, уни узоқ-яқиндан яхши билган кишилар ҳурмат бажо келтириб: «Бундай фидойи инсонларнинг ҳақиқий умри улар бу дунёдан ўтиб кетганларидан сўнггина қайта бошланади» дейдилар.

Қурбон акани мен ҳам яқиндан билардим. У киши Қарши Давлат педагогика институтига ректорлик қилган йиллари шу илм даргоҳининг талабаси эдим.

Шу ўринда Қурбон аканинг таржимаи ҳолига ҳам қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтмасак бўлмас экан. Балки кимларгадир бу «арзимас»дек, эриш бўлиб туюлар ҳам. Ҳар бир кишининг ҳаёт йўлига ана шу «арзимас» йўллар билан катта-катта ишларнинг пойдеворлари қўйилади.

Қурбон Ўлжабоев Қарши ноҳиясининг Ертепа қишлоғида туғилиб ўсган. Гоҳ қорни тўйиб, гоҳ тўймай хароба қишлоқ мактабида фидойи муаллимлар сабоғини олди. У вақтларнинг ўқитувчилари ҳақиқатан ҳам жонкуяр, болаларга сидқидилдан чинакамига илм берганлар. Комсомол бўлди. Шўрода котиблик қилди. Сўнгра Самарқандда ташкил этилган Ўзбекистон Давлат дорилфунуни (ЎзДУ)нинг тарих факультетида ўқишни давом эттирди. Олий ўқув юртини тугаллаб, Сурхондарёга ишга борди. Бу орада тўсатдан уруш бошланиб қолди. Вояга етиб қолган бўз йигитлар фронтга жўнай бошладилар. Қурбон ҳам урушга юборишларини сўраб, ҳарбий комиссариатга мурожаат қилди. «Шошмай тур-чи, ҳали жанг қилишга улгурасан. Ҳозир фронт орқасига ҳам сизлардек чайир йигитлар, ўқимишли кишилар керак» дейишди унга. 1942 йилда Ўзбекистондан етмиш икки нафар партия ходими, сиёсий раҳбар жўнатиладиган бўлди. Шунингдек, Қурбон Ўлжабоев ҳам шулар сафида эди. Икки ойлик ҳарбий тайёргарликдан ўтганларидан сўнг фронтларга бўлиниб кетишди. У аввал дивизияда ташвиқотчи, кейинроқ рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Урушнинг нималигини ўша ерда кўрди.

Сталинград шаҳри душмандан тозалангандан кейин, Қурбон Ўлжабоев 1943 йилнинг ёзида капитан Холиддин Қурбонов, оддий аскар Эргаш Баҳромовлар билан ўзбек жангчиларининг ўз юртдошларига йўллаган тарихий мактубини олиб келди.

Ўн беш, йигирма кундан сўнг фронтчилар Ўзбекистон вакиллари билан бирга ўн икки вагон совға-салом билан яна жангга қайтдилар.

Ҳа, Қурбон ака шундай тарихий воқеаларнинг гувоҳи, иштирокчиси бўлган. Унинг жанглардаги жасорати ҳақида ўша пайтлар фронт ва жумҳурият рўзномаларида мақолалар, очерк ва лавҳалар босилган. Ҳатто, атоқли ёзувчимиз Ойбек у киши билан учрашиб, суҳбатлашиб «Қуёш қораймас» романидаги Бектемир образини Қурбон ака характеридан олган. Бундан йигирма йиллар, ундан ҳам аввалроқ чоп этилган «Мардлик-мангулик» ҳарбий очерклар тўпламида ҳам жасорати ҳақида қизиқарли лавҳалар ёзилган. Айниқса, Припять дарёси учун бўлган жанг унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Душманни енгиб, Берлингача бориш орзусида юрган Қурбон Ўлжабоев чап оёғидан оғир яраланди. Тула шаҳрида, кейинроқ Новосибирскда даволанишни давом эттирди. Бу ерда уч ойга яқин бўлди, лекин оёғи узатса букилмайдиган бўлиб қолди. У учинчи марта жанговар мукофот—«Иккинчи даражали Ватан уруши» ордени билан тақдирланганини госпиталда эшитди. Унинг жанговар ҳаёти шундай тугади, қайтиб жангларда иштирок этолмади. Ватан урушининг биринчи группа ногирони бўлиб, 1944 йилнинг августида қўлтиққаёққа суяниб, Ўзбекистонга, она қишлоғи — Ертепага қайтди.

Қурбон ака урушдан ногирон бўлиб қайтгани билан қараб турмади. Оёғи букилмай, жароҳатлари қақшаб оғриса ҳам меҳнат қилди. Қарши шаҳар партия қўмитасида масъул ходим бўлиб ишлай бошлади. Турар-жойи йўқлиги сабабли оиласи билан хизмат хонасида яшаб ишлади. Қачонлардан буён орзу қилган шонли ғалабани эса ана шу кўримсизгина хонада кутиб олди. Бу ғалабага озми-кўпми ҳисса қўшганидан ўзида йўқ севинди...

Илмга бўлган чанқоқлик, ташналик умр бўйи босилмади. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида халқ маорифининг йўлга қўйилиши мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиб, тарих фанлари номзоди деган илмий унвон эгаси бўлди. Академияни битириб, Тошкент вилоят фирқа қўмитасининг мафкура бўлимини бошқарди. Сўнгра Қашқадарёга йўлланма олди. Шунда ҳам бу орада тиниб-тинчимади. Докторлик диссертациясини ёзиб тугатди. Бу мураккаб иш устида узоқ йиллар меҳнат қилди. Лекин касаллик, кундан-кун хуруж қилаётган мажруҳ оёқнинг оғриғи Қурбон акани узоқ вақт тўшакка михлаб қўйди. Оёқ суяклари чириб, гангренага айланди. Врачлар бу касални даволашнинг иложини тополмай, кесиб ташлашга мажбур бўлдилар. Бу Қурбон аканинг умрини узайтирмади. Узоқ Россия ерларига қолдиришга кўзи қиймаган оёғидан ўз юртида айрилди. Касаллик ва бевақт ўлим олимнинг сўнгги орзуларини ҳам 1977 йил ёзида ўзи билан олиб кетди...

Қурбон ака қаерда ишламасин, ҳаётда ўзига хос излар қолдирди. Ҳамид Олимжон номли Қарши Давлат педагогика институтининг тамал тошини қўйган киши ҳам шу Қурбон Ўлжабоев эди. Қурбон ака институтга раҳбарлик қилган кезларда олий мактабга ёш мутахассислар, ўқитувчилар кўплаб ишга келишди. Уларни анча-мунчаси ректорнинг ташаббуси билан аспирантурага, малака ошириш институтларига ўқишга юборилди. Ўша вақтлар бу вилоятлар олий даргоҳларида салоқли олимлар фаолият кўрсатган бўлсалар, Қарши педагогика институти эса истиқболли олимларга бой маскан эди. Қурбон ака ҳаётлигида улгуролмай қолган айрим ишларини унинг шогирдлари бугунги кунда давом эттираяпти. Тўрт йилки, унинг қизи Нортошой отаси раҳбарлик қилган институтда ректор. Отанинг ушалмай қолган орзуларини фарзанди амалга ошираяпти.

Мақоланинг сўнгида ҳам баён этмоқчиман. Марҳумларни эслаш, улар руҳини шод этиш тирик инсонларнинг бурчидир. Аммо, Қурбон акага ўхшаш кишилар негадир улар узоқ йиллар ишлаган, меҳнат қилган жойларда кам эсга олинади. Жумҳуриятимиз воҳамиз маданий сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган, ёрқин келажак учун курашган партия, меҳнат, уруш ветерани, Қурбон Ўлжабоев хотирасига бағишлаб, институтда, ҳеч бўлмаганда у туғилиб ўсган Ертепа қишлоғида бирон бир маданий тадбир ўтказилганини ҳеч эслай олмайман.


Институт жамоаси партия ва комсомол ташкилоти нафақат Қурбон акани, унинг сафдошлари — марҳум профессорлар Сурен Мусрепович Захаров, Қулмурод Шодмонов ва бошқа кишиларни ҳам унутиб қўйганга ўхшайди. Жангчи-олимлардан Самад Бозоров, Қодир Мирзаевга ўхшаш кишилар ҳам ҳамкасбларидан руҳларини ёд этишни «сўраб», аллақайси хилқатларда, сокин гўшаларда мангу уйқуга кетишган. Ҳаётда тоза, покиза яшаб, меҳнат қилиб ўтган ана шундай фазилатларини ёш қалбига сингдириш бу инсоний қадриятлар жумласидан бўлиб, бугунги куннинг бош вазифасига киради. Илмий кадрларни тайёрлаш, уларни тарбиялашни йўлга қўйишда Қурбон Ўлжабоевнинг хизматлари қанчалик кўп бўлган бўлса, профессор Захаровнинг хизматлари ҳам бу соҳада кам эмас эди. Институтда ижтимоий фандан дарс берувчи ўқитувчиларнинг кўпчилиги Ўлжабоев ва Захаров мактабларида таълим олишган десам, лоф бўлмас. Бироқ, шундай одамларнинг номи унутилиб, хотираси хиралашиб бораётганидан афсусланасан, киши. Институт фаоллари, жамоатчилик, фанимиз равнақи йўлида заҳмат чеккан, ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишга мудом ҳисса қўшган, келажагимиз учун курашган бундай кишиларни унутишга ҳақлари йўқ. Марҳумлар олдидаги инсоний бурчни бажариш — қиёмат қарздан қутилиш билан баб-баровар.

Исмоил АМИРҚУЛОВ.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

«Нишона»



Ҳаёт Турди 1963 йилда Тожикистон ССР Ленинобод вилоятининг Панжикент ноҳиясида туғилган. ТошДД журналистика куллиёти 4-курс толиби.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

СУКУНАТ

Тош ёрилар — чекинар бўшлиқ
Тош ёрилар — йиртилар ҳаво.
Сукунатнинг сассиз чангига,
Чалишади зўриққан садо.

Сўнгра қалқиб чўкади жимлик,
Ёниб тугар сачраган учқун.
Шундай, доим, портлаш бир зумлик,
Шундай, доим, сукунат узун.

СИРЛАРИМ

Дарахтлар баргида чайқар ҳавони,
Шохлар сирларимдан эгилар оғир.
Қайноқ ёшларимни симириб ичган,
Тупроқда адашиб ёрилган томир.
Бундан юзларимни ўгириб атай,
Мен кетиб қоламан кунлар оралаб.

Хотирни юз йилга қолдириб қайтдим,
Барибир эслатди шохчалар қараб.
Не қилай, йўл экан очиғин айтсам,
Кўпдан айри бир йўл сололмадим мен.
Гоҳи ер ости, гоҳ ҳаводан қайтдим.
Ҳам юз йил олдинлаб кетолмадим мен.
У йўллар пойимдан узилиб қолди,
У кунлар ортимдан йўртишган тева.
Бу йил бу дарахтлар серҳосил бўлар,
Менинг сирларимдан тугишар мева.

Тоғлик салқинларда тўш очган гўша,
Дам олар бош қўйиб туннинг ёлига.
Яқинлашиб келар бегона қадам,
Жимликка суяниб турибмиз мана.
Бўсаларнинг таъми сачраган кеча,
Атрофда қари тол япроғи этак.

КУРТАК

Нафасини узоқ тутиб ичида,
Қийналиб кетади энг яқин куртак.

Ҳаёт ТУРДИ.

БИР-БИРИГА МУНОСИБ

— Мэри! Нима учун сен соябон тутиб юрибсан! Ахир ҳозир ёмғир ҳам ёғмаяпти, қуёш ҳам чарақлаб тургани йўққу!!

— Чунки соябонни ёмғир ёққанда дадам, қуёш чарақлаганда эса, ойим, тутади-да.

* * *

— Ойи менинг мусиқачи бўлишимни хоҳлайсизми!

— Албатта, тойчоғим. Хоҳлаган мусиқа асбобини танлашинг мумкин.

— Ундай бўлса, мен грамофонни танладим.

* * *

Бир одам доктор ҳузурига келиб, қандай қилиб 100 йил умр кўриш мумкинлигини сўради.

— Ичасизми!
— Йўқ.
— Чекасизми!
— Йўқ.
— Гўзал қизлар орқасидан югурасизми!
— Йўқ.
— Ундай бўлса, 100 йил яшашнинг сизга нима кераги бор.

* * *

— Бу эр-хотин бир-бирларига муносибми!

— Ҳа, албатта, у қаттиқ хуррак отади, хотини эса кар.

* * *

Бир одам қабр тепасига келиб, кўксига уриб йиғлар эди: «Нега сен ўлиб кетдинг! Мени кимга ташлаб кетдинг!!»

Одамлар унга ачиниб, сўрашди: «Ўлган киши отангизми ёки акангизми!

— «Отам ҳам эмас, акам ҳам эмас», — жавоб қайтарди у. — у хотинимнинг биринчи эри эди».

Инглиз тилидан
О. ҲОШИМОВА
таржимаси.

«ҚУВОНЧ»ГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Зулфия аяни тамоман бошқача — шаддод аёл деб тасаввур қилган эдим. Ноҳиямизда кўпчиликнинг, айниқса фольклор ишқибозларининг айтишларича, Зулфия ая серғайрат, ташкилотчи, гапга чечан ва хушовоз аёл бўлиб, дастанинг етакчи хонандаларидан бири сифатида танилган эканлар.

Эшикни менга ёши олтмишлардан ошган, кичик жуссали, оқ-сариқдан келган, кўзлари кулиб турувчи аёл очди. Уни дарров танидим. Бу ўша, мен йўқлаб келган аёл — Зулфия ая Қодирхонова эдилар.

Салом-аликдан сўнг у киши мени ичкарига таклиф қилдилар. Ичкарига кириб ўтиргач, муддаога кўчдим:

— Сиз ва Собиржон ака ноҳиямизда ташкил этилган «Қувонч» фольклор ансамблининг бадиий раҳбарлари экансизлар. Мени фольклор ансамблингизнинг ташкил топиши, унинг фаолияти қизиқтиради.

— Ансамблимиз 1987 йил ташкил топган. Ансамблни тузишда, асосан, Собиржон ака Қодирхонов катта роль ўйнади. У киши ўзлари ноҳия маданият бўлимида ишлаганликлари учунми ёки санъатни, айниқса, миллий санъатимизни жон-дилдан севганликлариданми, ансамблни тузишга астойдил бел боғладилар. Бу ишда у кишига ёрдам қилдим.

Ансамблни тузишдан асосий мақсад миллатимизнинг қадимий қўшиқларини, лапарларини, рақсларини халққа намойиш қилиш, тўғрироғи — халқимизнинг миллий маданиятини оз бўлсада, одамларимизга эслатиш. Чунки ҳозирда нафақат ёшларимиз, балки катта ёшдагилар ҳам халқимизнинг қадимий урф-одатларини, санъатини, маданиятини бир қадар унутиб юборишган. Менимча, жойларда бундай ансамблларни кўплаб ташкил этиш керак.

— Ансамблингиз иштирокчилари, асосан, кимлар, — сўрайман опадан.

— Ансамблимиз иштирокчилари, асосан 50 ёшдан 70 ёшгача бўлган аёллар. Улар ҳақда гап кетганда яна шуни айтишим керакки, ҳаммалари хушовоз, миллий қўшиқларни жондан севувчи аёллар. Уларнинг сони ҳозирги кунда ўн саккиз нафарни ташкил қилади. Ўрни келганда айтиб қўяй, ансамблимиз янги тузилган пайтда иштирокчиларимиз сони 30 дан ошиб кетган, сафимизга иқтидорли кишилар қўшилиб бормоқда эди. Минг афсуски, ансамбль ҳозирги кунга келиб ўз мавқеини йўқотиб қўймоқда. Ансамбль ичида тарқоқлик содир бўляпти. Лекин тушкунликка тушмаяпмиз. Ансамблда қолган мана шу ўн саккиз аёлнинг ўзи ҳам ишончни оқлайдиганлардан. Ансамблимизнинг ҳозирги иштирокчилари «Қувонч» ташкил топган биринчи кунлардан буён фаол қатнашиб келишмоқда. Ўйлайманки, бундан буёғига ҳам улар ансамблни тарк этишмайди.

Зулфия аянинг айтишларича, Санобар ая, Роҳатой ая, Мунаввар ая, Азиза ая каби фаол иштирокчилар ансамбль репертуарини бойитишда катта хизмат кўрсатаётган эканлар. Ҳозирги кунда уларнинг репертуари бой ва ранг-баранг. Қўшиқчи аяхонларимиз нафақат ўзбек, тилида, балки рус, қозоқ, татар, тожик, уйғур тилларида ҳам куйлашади. Ансамбль раққосаси Мунаввар ая эса ноҳия бўйича рақсда донг таратганлардан. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ансамблдагиларнинг олтмиш фоизини Қаҳрамон онахонлар ташкил этади.

«Қувонч» қўшиқларига қулоқ солар экансан, улардаги ғайратни, тетикликни, жўшқинлик ва самимийликни кўриб лол қоласан киши. «Алла», «Ёр-ёр» каби халқ азалдан севиб куйлаб келган, ҳозирда эса унутиб юборилаётган қўшиқларни тинглаганда кимнинг юраги ларзага келмайди?

«Қувонч» ташкил топган дастлабки йилларда жумҳуриятимизнинг анчагина жойларида, жумладан Ленинобод вилоятининг жуда кўплаб хўжаликларида, Бўстонлиқ, Шоҳимардон дам олиш уйларида, Тошкент шаҳрининг талайгина боғ ва оромгоҳларида концертлар уюштирди ва кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Кейинчалик эса...

Зулфия ая, ансамблнинг мавқеи йўқолиб бораётганлиги боиси ҳақида қуйидагиларни айтди:

— Ансамбль учун ҳеч қандай шароит яратиб берилмаган. Тузилганлигига мана тўрт йил бўляптию, унинг учун ҳали бирон-бир тайинли жой ажратиб берилгани йўқ. Биз жой танқислиги туфайли ҳафтада атиги бир мартагина йиғиламиз. Шунда ҳам юз сарсон-саргардончиликлар билан ё ноҳия кутубхонасида, ё ноҳия фирқа қўмитаси залларида тайёрланаяпмиз. Ўзингиз биласиз, қаерда шароит яхши бўлса, ўша ерда унум ҳам яхши бўлади. Биз жой масаласи юзасидан ноҳия ижроия қўмитасига бир неча марта мурожаат қилдик, бироқ натижа бўлмади. «Ўзинг учун ўл, етим» деганларидек, биз ҳам ансамбль учун фақат ўзимиз — кампирлар ҳаракат қиламиз. Агар ансамбль учун муайян бир жой ажратиб берилганда, етарли маблағ билан таъминланганда эди, парокандаликка ҳам чек қўйилган, унинг илгариги мавқеини тиклаган бўлардик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Қувонч» учун жой масаласи энг асосий муаммо бўлиб қолди. Зулфия аянинг бунчалик куюниб гапиришидан ансамблдагиларнинг қанчалик қайғураётганликларини сезиб олиш қийин эмас. «Қувонч» тарқалиб кетиши хавфи остида турибди. Ўрта Чирчиқ ноҳия ижроия қўмитаси раҳбарлари ансамблга ёрдам беришади, деб умид қиламиз. Ёшларнинг миллий маданиятни теран ўрганишида онахонларнинг бу ансамбли бетакрор роль ўйнашини унутмаслик лозим.

Муҳайё РАЖАПОВА,
ТошДД талабаси.



Раққосалар

Ж. ҚОЗОҚОВ суратлавҳаси.

«Оила» мураббоси

(ТАВСИЯ ЎРНИДА)

«Оила» мураббоси юрак ҳаяжони, «уф-уф» дардига мўлжалланган ягона дори бўлиб, уни вақтида истеъмол қилинганда мия ва асаб зўриқиши бўшашади, юрак ортиқча юкдан фориғ бўлади.

Қуйида ана шу мураббони уй ва кўча шароитида тайёрлаш усули билан таништирамиз. Бу мураббони тайёрлаш учун йигит, қиз, муҳаббат, куч, ақл ва бошқа майда-чуйдалар керак бўлади. Бир дона «Оила» мураббосини тайёрлаш учун ола хуржун ва турли инжиқликларни мустақил кўтара оладиган йигитдан бир дона, обдон пишиб етилган, қуйилишга мойил қиздан бир дона, муҳаббатнинг қайнаб чиққан тозасидан икки донадан олинади. Кучни ва ақлни ортиқчароқ олинса, мураббо яна ҳам ширин бўлади. Уй-жой, мол-жон, асбоб-ускуна, кийим-кечак ва транспорт воситалари таъб ва шароитга қараб танлангани маъқул.

ЭСЛАТМА: нафсдан чиққан муҳаббат ва пишиб етилмаган йигит-қиздан тайёрланган «Оила» мураббоси анча аччиқ ва ёқимсиз бўлади. Мураббо тайёрлашда мабодо пишиб ўтиб кетган йигит-қиз ёки бўлмаса «эскирган» муҳаббатдан фойдаланишга тўғри келиб қолса, асло ташвишланманг: уларнинг умр ва юракларидаги «эски» муҳаббат доғларини «Чидам» ва ёки «Сабр-тоқат» спирти билан обдон ювиб кетказиш ва фақат шундан кейингина мураббо тайёрлашга киришиш тавсия этилади.

Барча маҳсулотлар тайёр бўлгач, уларни «Пн» (панд-насиҳат), «Рк» (рашк), «Ғт» (ғийбат), «Св» (синов) ва бошқа халқ машиналари ҳамда электрон асбоблар ёрдамида синовдан ўтказилади. Агар маҳсулотлар синов вақтида текширишга чидамаса ё бузилиб чиқса, мураббо ишлашни вақтинча тўхтатиш ва «ВМ» (вақт машинаси)га солиб қўйиш керак. Вақт машинасининг фазилати шундаки, у ё бузилган маҳсулотларни қайта ишлашга тайёрлайди, ёки мутлақо яроқсиз қилиб чиқариб ташлайди.

«Оила» мураббосининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу мураббони фақат ҳар кимнинг ўзи тайёрлайди ва ўзи истеъмол қилади. Агар у ҳилватда, яширин тайёрланса, яна ҳам ширин бўлади. Бу ҳолда, албатта, битта ҳалол ва холис кузатувчининг маслаҳатидан фойдаланилса ёмон бўлмайди.

Бир неча йил, жуда бўлмаганда бир неча ой қайнаган дошқозонни ўтдан олиб, тиндириб қўйилгач, мураббо тайёр бўлади. Тайёр мураббони асло банкага солиб магазинга чиқарманг, ё ертўлага ташлаб қўйманг, чунки магазинга чиққан тайёр мураббони, «ўткир» харидорлар илиб кетиши, ертўладагиси эса қуйилиб, яроқсиз бўлиб қолиши турган гап. Шуни унутмангки, «Оила» мураббосини фақат ўзингиз учун тайёрлангиз. Бунинг устига ундан вақтида фойдаланмасангиз, нима фойда?!

«Оила» мураббосидан фойдаланганда, устига турли гуллардан қайла солишни унутманг. Стол атрофига Сизга ҳамдард бўлган кишиларни ҳам таклиф этсангиз, нур устига аъло нур бўлади, дарддан тез қутуласиз.

Тавсиячи Муҳаммад САИДОВ.

ЖУМҲУРИЯТ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР БЕРАДИ

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар қилишича, чекистлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси ходимларининг биргаликда ўтказган операцияси натижасида яна бир уюшган жиноят гуруҳи тугатилди. Бу тўда Тошкентнинг Чилонзор ноҳиясида иш олиб борар эди.

Қўлга тушириш учун жиноятчиларнинг таъмагирлиги сабаб бўлди — улар ўлдирамиз деб қўрқитиб, Тошкент олий ўқув юртларидан бирининг ходимидан 10 минг сўмдан кўпроқ пул талаб қилдилар.

Сўнгги йилларда текинхўрлик билан кун кечираётган, 1968 йилда туғилган тўда бошлиғи ва унинг икки шериги далиллар билан қўлга туширилди.

Жиноий иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

(ЎзТАГ).

ОРОЛ БЎЙИ УЧУН

Сунъий иқлим яратиш ва чала туғилган болаларни парваришлаш учун Венгриядан Хоразм вилоятига йигирматадан кўпроқ аппарат олиб келинди. Янги ускуналар табобат муассасаларига бўлиб берилди.

Экологик фалокат рўй берган ерлардаги аҳолига, Орол бўйи касалхоналарига бошқа мамлакатлар ҳам ёрдам бермоқда. Урганч ва Хива болалар поликлиникаларининг табиий даволаш хоналарида Бўлғориянинг «Тамэкс» деб аталган нафас олгичлари пайдо бўлди. Қўшкўпир ноҳия болалар касалхонаси ички томирга тинимсиз қон ва дори-дармон қуйиш учун мўлжалланган «Линеомат» аппаратларини олди. Вилоятнинг кўпгина шифохоналарига қисқа тўлқинли эхоскоплар ва Ватанимизда ишлаб чиқарилган бошқа асбоблар келтирилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗГА САЙЁРАДАГИ ТЎЙ

(Ҳажвия)

Ўқитувчи Р. Ҳайитов уйига «чақирилмаган меҳмонлар» кириб келишди. Узун қўлли, аёлсифат чиройли киши у билан суҳбатлашди... ва чойни термосга солиб, нонни целофон қоғозига ўраб... яна учиб кетишди. (Рўзномадан).

Тунда аллақаердан қўшиқ хиргойи қилиб келаётгандим. «Шув» этиб олдимга товоқсимон катта нарса қўнди. «Товоқ» ярақ-юруқ қилиб ҳар хил рангда ёғду сочарди. Ашула оғзимда қолди. Учар ликопча бир қарасангиз косага айланарди. Кейин кўзимга сандиқ бўлиб кўринди. Ичидан баҳайбат, икки ярим метрлик киши сакраб чиқди. Ҳушимдан кетиб, ёнбошга йиқилдим. Ҳозиргача қўлим зирқираб оғрийди.

Ўзга сайёралик нашатир спиртидан ҳидлатиб ҳушимга келтирди. Унинг бошида учта кўзи бор, лекин лаби йўқ эди.

— Қўрқма йигит, сени еб қўймайман. Айтчи, исминг нима, — у ўзимизга таниш тилда аммо талаффузни бизуброқ сўзларди.

Мен исмимни айтдим ва унга хуш ёқиш учун тиржайиб қўйдим.

— Иним Валижон, кўринишдан бўйдоққа ўхшайсан?

Бошимни қимирлатиб «ҳа» ишорасини қилдим.

— Унда мен билан кетмайсанми? Бизда ажойиб, чиройли қизлар тўлиб ётибди, — дея авраб кўндиришга тиришди.

— Уларнинг лаъли лаблари борми?

— Боридан топиб бераман. Қизларимизнинг кўпчилиги сарвқомат, қайрилма қошли, гулдай очилган.

— Қалин-палин дегандай.

— Шундоқ уйлантириб қўямиз. Мен билан кетишга рози бўлсанг бўлгани.

Бир метрлик сандиққа учаламиз қандай қилиб сиққанимизга ҳайрон бўлдим. Йўлда танишиб олдик. Исми Машши экан. Аллақандай сайёрага бориб қўндик.

Катта кўчадан, тош ўрнига биллур ётқизилган йўлдан борарканмиз, бирпасда тумонот одам ўраб олди. Баҳайбат, девқомат киши олдимга келди. Орқага тисарилдим. Машши «қўрқма» дегандай елкамга қоқиб қўйди. Бу уларнинг оқсоқоли экан, мени обдан кузатди.

Турган жойимизга кўз югуртирдим. Саройга ўхшаган мармар уйлар кўп бўлиб, ҳар хил чироқлар шуъласида товланарди.

— Мана ердаги мавжудотнинг намунаси, —дейиши билан ҳамма қарсак чалди. Қаддимни ғоз тутиб у ёқ бу ёққа қарадим. бироқ талтаймадим. Бошимга дўппи ўрнига подшоларникидай тож кийдиришди.

— Хўш, эсингизда бўлса, домла Рўзимат Ҳайитовникидан нон ва чой деган нарсалар келтиргандик, — гапини давом қилди Машши.

— Валижон биринчилардан бўлиб коинотимизга қадам ранжида қилган экан, ҳар бир истагини бажо келтириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Меҳмонимиз бўйдоқ экан, ким унга турмушга чиқишни хоҳлайди?

Қўл кўтариб «мен-мен»лаганларнинг саноғи йўқ.

— Менга биттаси бўлади, — дедим ийманиб.

Эркаклар орқага тисарилишди. Нозанинлар саф тортиб туришарди. Мен бир бошдан уларни кўздан кечириб, айлана бошладим. Бирининг бўйни йўқ бўлиб, боши танаси билан қўшилиб кетган, бошқасининг бурни ўрнида тешик холос, учинчисининг қўли узун, оёғи калта, бир кўзли, икки-уч кўзли қизлар ҳам бор эди.

Охири келишган, гўзалидан танладим. Ўзга сайёраликларнинг тўйи антиқа бўларкан. Узун стол атрофида ўтирибмиз. Улар ҳеч нима ейишмас экан (бекорга ҳурматли домламиздан эсдаликка нон-чой олиб кетишмаганда). Бўш столга тирсагини тираб, маҳлуқсифат ва аёлсифат чиройли кишилар ўтиришарди. Қорним очқади.

— Булардан қайси бири қайнотам? — сўрадим Машшидан.

— Қанақа қайнота? Бизларда сунъий йўл билан тухумни ёриб дунёга келишади.

Бизлар фақат куй эшитардик. Шу орада Машши ўзини икки марта «заряд» қилиб келди. Ниҳоят тўй ҳам тамом бўлди. Хуллас, гап кўп. У ёғини айтсам чўзилиб кетади...

Характеримиз тўғри келмаганидан ўзга сайёралик билан ажрашдик. Шу сабабли яна ерга қайтаришди. Уларда тескариси экан, хотин томондан менга тез-тез алимент олиб келишяпти. Агар ишонмасангиз, бозор куни осмонга қаранг, менга алимент келтираётган учар ликопчани кўрасиз.

Миш-мишчилар уюшмаси аъзоси
Фарҳод МУҲАММАДИЕВ.

ТВ

29 ИЮЛЬ — ЯКШАНБА

СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Одам-амфибия». Бадиий фильм («Ленфильм»). 11.35 «Ҳодисалар ва мўъжизалар». Кўрсатув телетомошабинларнинг хатлари асосида тайёрланган. 12.40 «Сиз севган қаҳрамонлар». Кинокўрсатув. 13.40 «Қуёшли ўлка маршрутлари». 14.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Заҳматкаш қўллар». Сурхондарё вилоятидан кўрсатув. 14.35 «Қувноқ стартлар». Белоруссия ва Ўзбекистон ССР командаларининг учрашуви. 15.55 «Алифбо сабоқлари». 16.30 Учқун Назаров. «Ойна». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.55 «Сиҳат-саломатлик». Ошқозон ва ичак касалликларини олдини олиш. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Андижон: тараққиёт одимлари». Андижон вилоятидан кўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Муҳандиснинг мугузи». Телефильм. 21.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Покланиш». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Мусиқий киоск». 12.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 13.30 В. Селевохин чалади (фортепьяно). 13.45 «Иштиёқмандлар». Халқ ижодиёти музейи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 Яхши ният ўйинлари. Сув полоси. Ярим финал. 14.30 Спорт гимнастикаси. Велоспорт. АҚШдан кўрсатилади. 16.50 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 18.10 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Якшанба болалари». Телевизион ҳужжатли фильм (Куйбишев шаҳри).

Якшанба кинозали

18.30 «Ўрмон саргузашти». Мультфильм. 18.50 «Катта пойга». Телевизион бадиий фильм (Польша). Премьера. 20.30 «Вақт». 21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари. 21.15 «Гўзал истиқбол». Украина мультипликациясини эртага нималар кутмоқда мавзуида вариациялар. 22.15 1990 йил қўшиқлари. 23.25 «Жанна д'Арк учун квота». СССР—ГФР халқаро театр фестивали ҳақида.

● МТ II

14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 В. Токарева. «Ер билан осмонча». Телеспектакль. 18.30 «Болаликдан таниш қўшиқ». В. М. Шукшин ҳаёти ва ижодида халқ қўшиқларининг роли ҳақида бадиий-публицистик фильм. 19.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушукча нималар ҳақида ўйлаяпти». 20.00 Яхши ният ўйинлари. Кураш. Бадиий гимнастика. 22.15 Яхши ният ўйинлари. Хоккей. СССР—ГФР терма командалари. 3-давр. 23.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 23.20 Александр Сокуров ва унинг фильмлари.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 06227. Д. — 23511.